

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг хатига илова

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича

ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4803-сон қарори ҳамда жорий йил 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилиш баёнининг (30.05.2020 й. № 02-1699) 34-банди

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида хўжалик фаолияти юритиш ҳуқуқига эга “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар (фермер хўжаликлари);

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари –

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Молия вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида хўжалик фаолияти юритиш ҳуқуқига эга “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда “Агросервис оператор” ДУК деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилиши кўрсатилган.

Қарор лойиҳасининг 2-бандида “Агросервис оператор” ДУКнинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланиши қайд этилган:

боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини барқарор ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш, ушбу соҳада илмий-техник, технологик ва инвестиция фаолиятини юритиш;

боғ ва токзорлар плантацияларини барпо этишга илғор тажрибага эга салоҳиятли ва молиявий барқарор пудратчи ташкилотларни танлов асосида жалб этиш;

интенсив технологиялар асосида боғ ва токзорлар плантацияларини босқичма-босқич барпо этиш ва уларни тайёр ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига узок муддатга бўлиб тўлаш шарти билан **инвестицион шартнома асосида тўғридан-тўғри сотиш шартлари асосида топшириш;**

боғдорчилик ва узумчилик соҳасида илғор технологияларни жорий этиш, шартнома асосида агротехник, юридик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш ва қонун ҳужжатларига тақиқланмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тўғрисида Низом тасдиқланган ҳамда Низомда **Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари белгиланган.**

Ўзбекистон Республикасининг “**Рақобат тўғрисида**”ги Қонуни 12-моддасига **асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **шартномалар тузишда устунлик бериш**, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи

субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, **преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши тақиқланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармони 1-иловасининг 24-бандига мувофиқ давлат унитар корхоналари сонини **оптималлаштириш белгиланган.**

Шу билан бирга, ушбу Фармоннинг 82-бандида юридик шахсларнинг **“унитар корхона” ташкилий-ҳуқуқий шаклини ва хўжалик юритиш ҳуқуқини бекор қилишни** назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташқил этишга ташаббус кўрсатишга) **йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташқил этиш, шунингдек, **соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш** кўрсатилган.

Ушбуларни инобатга олиб, Қарор лойиҳаси амалдаги қонунчилик талабларига зид ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини амалдаги қонунчилик талабларига мослаштиргандан сўнг қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.